БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 297 (3798)
29 ЖУМА ДЕКАБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

«Средазстроймашавтоматизация» монтаж-лаш-созлаш бошқармаси коллективи ҳам янги йилни ёруғ юз билан кутиб олмоқда.

Беш йиллик бошланган вақтдан 27 ноябрга қадар 8 миллион 200 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, уч йиллик топшириқ бажарилган эди. 19 декабрда эса йиллик план ҳам адо этилганлиги ҳақида ғалаба рапорти берилди. Тошкент шаҳрида, Ўзбекистоннинг бир қатор областларида ва қўшни республикалардаги бинокорлик ҳамда саноат корхоналарида 2 миллион 968 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари уддаланди.

Корхона қўлга киритаётган меҳнат зафарларига Н. Логинов, Ю. Аванесов, О. Милируд бошлиқ бригадаларининг аъзоматлари катта ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларнинг монтажчилари айни кунларда келгуси йилнинг иккинчи квартал меҳнат календари бўйича иш бажаришмоқда. Эркин Нурматов бошлиқ ёрдамчи хўжалик эса янги йилни 1979 йилнинг март ойи планини ҳам бажариш билан кутиб олмоқда.

— Йил бошидан бери 2-уйсозлик заводида 36 тонналик лифт шахталарини қуриш қурилмаси, экскаватор заводида қумни қуритиш поток линияси, «Эталон» заводида, Тошкент ГРЭСида ностандарт жиҳозлар монтаж қилинди, — дейди бошқарма бошлиғи, техника фанлари кандидати Сандали Тоиров. — Келгуси йилда зиммамизда янада катта вазифалар турибди. Тошкентдаги бир қатор корхоналарда, Андижон машинасозлик заводида эксперимент ал участка механизмларини монтаж қилишни тугаллаймиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

давлат аттестация комиссияси Тошкент кўн-мўйна заводида ишлаб чиқарилаётган яна бир нечта хил буюмга Сифат белгиси берди.

Беш қиррали фахрли белги билан болалар ва аёлларнинг янги нусхадаги пальтолари ва эркакларнинг мавсумий пальтолари тақдирланди. Корхонанинг ана шу маҳсулотларига аҳоли ўртасида талаб катта. Яқинда Тошкентда ўтказилган республика чакана савдо ярмаркасида савдо ташкилотларига заводнинг 4202 минг сўмлик маҳсулоти сотилди.

Янги йилда «аъло» сифатли буюмлар ишлаб чиқариш 15 процентга кўпаяди.

«Озод Шарқ аёли» монументи лойиҳаси учун ўтказилган Бутуниттифоқ конкурси якунланди. Унда Москва, Киев, Ленинград, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг йигирмадан ортиқ ижодий коллективлари қатнашди.

Икки тур натижаларига кўра биринчи ўрин тошкентлик ҳайкалтарошлар Л. Г. Рябцев ва В. А. Луневларга берилди. Улар монументни яратиш устида уч йил меҳнат қилишди.

— Ҳозир, — дейди лойиҳа авторларидан бири Л. Г. Рябцев, — биз архитекторлар Н. Кузьмина ва А. Афанасьевлар билан ҳамкорликда «Озодлик» майдонининг чизмаларини тайёрлаяпмиз. Майдон келгуси йил Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида барпо этилади. Унинг марказида озодликка чиққан аёлнинг рамзий ҳайкали ўрнатилади.

Бугун

Тошкент индустриал техникумида янги йил муносабати билан ёшлар бали ўтказилди. Техникум студентлари байрамга муносиб туҳфалар билан келишди. Улар яхши ўқиш билан бирга республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини яратишга ўзларининг баракали ҳиссаларини қўшишди.

Ёшлар балида Улуғбек номли маданият уйининг «Тенгдошлар» вокал-чолғу ансамбли бадиий ҳаваскорлари ҳам қатнашиб, кечага файз киритишади.

Маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективи корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртларида ўтказиладиган янги йил кечаларида ҳам қатнашиб, концертлар кўрсатишади.

Фрунзе номли маданият уйида ёшларнинг янги йил дўстлик учрашувлари ўтказилади. Дўстлик ва биродарлик учрашув кечасига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таълим олаётган кубалик ёшлар таклиф этилди. Улар пойтахтимиз ёшларига озод Кубанинг социализм қурилишида эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб берадилар. Куба ёшларининг қўшиқ ва куйларини ижро этишади.

Маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлар ансамбли учрашув иштирокчилари учун тайёрлаётган қизиқарли концерт номерларида дўстлик ва биродарлик туйғулари мадҳ этилади.

«Жилстрой» трестига қарашли монтаж бошқармасининг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери В. Демидов бошчилигидаги бригадаси Юнусободдаги «Шодлик» массивида янги 72 квартирали уйининг темир-бетон конструкцияларини монтаж қилиб бўлди.

Илғор коллектив йил бошидан бери пойтахтнинг «Марказ-17», «Марказ-18» ва «Марказ-26» кварталларида ҳам 100 га яқин турар жой биносининг конструкцияларини монтаж қилишга эришган. Икки йилу 9 ойда 55 минг квадрат метр турар жой биноларини монтаж қилиб ўнинчи беш йиллик планини адо этган эди. Пешқадам бригада аъзоларининг меҳнат календарида ҳозир 1981 йилнинг март ойи бошланди.

Эртага

пойтахтимиз саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг ходимларидан 150 киши группаларга бўлиниб, Москва, Киев, Ереван, Душанба ва бошқа шаҳарларга жўнаб кетади. Ҳамшаҳарларимиз янги йилни сафарда кутиб олишади ва беш кун давомида ана шу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, маданий ҳордиқ чиқарадилар.

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросидан бизга хабар қилишларича, янги йил кунлари Тошкентга ҳам ўнлаб туристик группалар келади. Жумладан, Тбилиси, Сумгаит ва Челябинск шаҳарларидан келган туристлар шаҳримиз ҳаёти билан танишадилар.

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ—ЯКДИЛ

СССР Олий Советидепутатлигига номзодлар кўрсатилмоқда



«Миконд» заводидагисайлов олди йиғилиши. Минбарда 4-цех слесари, учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Эркин Расулев.

В. Молгачёв фотоси.

Тошкентдаги «Миконд» заводининг коллективи беш йилликнинг учинчи йилини планини барвақт бажариш билан якунлади. Ўнлаб илғор ишчилар шахсий беш йиллик планларини бажариб бўлганликлари тўғрисида рапорт бердилар, корхонада «Сафимизда биронта ҳам қолоқ бўлмасин» деган ватанпарварлик ҳаракати кенг ёйилди. Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари цехлардан бирига келтирилган ўнлаб транспарантлар, плакатлар ана шундан далолат берди. 28 декабрь куни бу ерда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилиши бўлиб ўтди.

Завод касаба союз комитетининг раиси А. Б. Белик йиғилишни очди. Қолип бўшатувчи Т. М. Богдашкинага сўз берилди. Илғор ишчи совет халқлари ленинча дўстлигининг аҳамияти ҳақида гапирди.

— Ҳамма ишларда мана шу дўстлик аломатларини кўрамиз, —дейди нотиқ, — Ўзбекистон индустриясининг ижозатли ўсишида, тобора кўп пахта тайёрланаётганлигида ,фан ва техника юксак даражада ривожланганлигида, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, шаҳар ва посёлкаларнинг янги қиёфасида мана шу аломатлар кўринади. Эришган барча ютуқларимиз замирида коммунистик партиямизнинг мамлакатимиздаги миллат ва элатларни равнақ топтиришга, барча совет кишилари фаровонлигини муттасил юксалтиришга қаратилган ленинча доно миллий сиёсати ётади. Республиканинг ҳар бир муваффақияти шонли КПССнинг жангговар отряди бўлмиш Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Т. М. Богдашкина завод коллективи номидан гапириб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовни 117-Тошкент —Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Слесарь Э. Расулов, ишчи Л. П. Трушина, пардозловчи А. Абдуллаев, цех бошлиғи В. Х. Ермаков, техник контроль бўлимининг контролери Н. Рашидова бу таклифни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Улар номзод партия билан халқнинг содиқ фарзанди, изчил интернационалист эканлигини гапирдилар.

Ш. Р. Рашидов раҳбарлигида, деб таъкидланади сўзга чиққан нотиқлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари партия XXV съездининг мўл пахта ҳосили учун курашдаги қарорларини бажаришда катта-катта муваффақиятларга эришди. У ўзининг ҳормас-толмас фаолияти учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Йиғилишда барча совет кишилари сингари «Миконд» заводининг кўп минг кишилик коллективи ҳам партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш иштиёқида эканлиги тўғрисида гапирилди. СССР Олий Советига ўтказиладиган сайлов, —деди нотиқлар, —совет халқи Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслашганлигини, унинг коммунизм ишига чексиз садоқатини намойиш қилади.

Йиғилиш **Шароф Рашидович Рашидовни 117-Тошкент —Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилди.** (ЎзТАГ).

Ижодий фикр самараси

Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп сонли ижодий фикр кишилари меҳнат қилиб келяпти. Сўнгги йилларда корхона рационализатор ва ихтирочиларининг кўплаб таклифлари туфайли ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллаштирилди, механизациялаштирилди, қўл меҳнати енгиллаштирилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, тайёрланаётган кийим-кечаклар сифатини яхшилашга эришилди.

— Ҳар йили барча цехларимизда ижодий бригадалар ташкил қиламиз, —дейди меҳнатни илмий ташкил этиш бўлимининг бошлиғи Валентина Яковлевна Тельнова. — Бу бригадалар таркибига моҳир технологлар, мастерлар, илғор ишчилар ҳамда инженер техник ходимлар киритилган. Ижодий бригадалар ўз планларига кўра иш жойлари билан яқиндан танишадилар, у ердаги камчилик ва нуқсонларни аниқлайдилар ва шу асосда чора-тадбирлар кўрадилар.

Ўтган йили бу борада катта тажриба тўпланган эди. Меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича конкурс эълон қилиниб, унда 150 дан ортиқ таклиф кўрилди. Ана шу таклифлардан юздан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Эндиликда бу таклифлар умумий ҳажмда бирлашма учун 80 минг сўмлик иқтисодий самара келтирмоқда. Албатта бу таклифларни ишлаб чиқишда ва жорий этишда М. Яҳёева, М. Немажева каби ўнлаб ижодий фикр кишиларининг ҳиссалари каттадир.

Бу йилги конкурс ҳам ниҳоясига етяпти. Ҳозиргача ижодий фикр кишилари 70 дан ортиқ таклифни ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бу эса бирлашмага 65 минг сўмлик фойда келтирмоқда.

А. ЭРНАЗАРОВ.

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖА

БУГУН

шаҳримиздаги кўн-мўйна заводи коллективи йил бошидан бери 10 миллион 650 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган давлат планини муддатидан илгари адо этди. Бу маҳсулотнинг 2,5 миллион сўмлигка яқини фахрли беш қиррали белги билан тайёрланди. Ҳозир корхона беш хил буюмни — аёллар ва қиз болаларнинг тўрт хил моделдаги пальтосини ва терини ошлаш цехида тайёрланаётган қўй мўйпасини Сифат белгиси билан тайёрлаяпти.

Оз маблағ ва куч сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашда шуба ва мўйна цехлари пешқадамлик қилишяпти.

ДУРАДГОРЛИК БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ МУҚОБИЛ ПЛАНИ

● ДУРАДГОРЛИК БУЮМЛА РИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИ 1979 ЙИЛ УЧУН МУҚОБИЛ ПЛАН ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

● ТОПШИРИҚҚА ҚЎШИМЧА 736 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

● ҚЎШИМЧА БУЮМЛАРНИ ИЧКИ РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪМИНЛАНАДИ

Дурадгорлик буюмлари заводи коллективи беш йиллигининг тўртинчи йили учун муқобил план қабул қилган шаҳримиздаги илғор корхоналар — «Ташкентка б е л ь», «Тштекстиль м а ш», химия-фармацевт и к а заводлари ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг ташаббусини кизғин қўллаб-қувватлади.

— Дурадгорлик буюмлари заводининг 1979 йил учун кабул қилган муқобил плани, — дейди корхона партия ташкилотининг секретари, план бўлимининг бошлиғи Н. Урванцева, — жуда ҳам тигиз. У беш йиллик планда белгиланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 736 минг сўмликка, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса 11,2 процентга ошириб юборади. Муқобил планни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда заводнинг барча бригадалари, участкалари, цех ва хизмат бўлимларининг коллективлари қизғин иштирок этишди. Бу албатта, беш йилликнинг тўртинчи йилини янги меҳнат зафарлари билан якунлаш учун интилаётган коллективимизнинг юксак ва сиёсий меҳнат кўтаринкилиги рамзидир.

1979 йил муқобил планини муҳокама қилиш давомида асосий эътибор ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларига қаратилди. Жумладан, дераза рамларини тайёрлайдиган цех ишчилари технологияни такомиллаштириш, дастгоҳлардан унумли фойдаланиш туфайли ярим автомат линиянинг лойиҳа қувватини бирмунча оширишга эришишга аҳд қилдилар Ҳисоб-китоб дераза блокларини ишлаб чиқаришни 30 минг квадрат метрга кўпайтириш таъминлаш мумкинлигини кўрсатди.

Эшик блоклари цехининг Ш. Собиров бошлиқ бригадаси коллективи ҳам қимматли ташаббус билан чиқди. Бу ерда асосий эътибор маҳсулот сифатини яхшилашга, шкаф эшиклари блокларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилади. Планга қўшимча юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Шунингдек, планга қўшимча 5 минг куб метр қурилиш деталлари, 1,5 минг погон метр бошқа дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқариш ҳам белгиланди.

Шу йил 20 декабрда корхонада очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорлари муҳокама қилиниди ва беш йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган муқобил план тасдиқланди. 1979 йил муқобил плани бўйича планга қўшимча умумий ҳажмда 736 минг сўмлик дурадгорлик маҳсулоти ишлаб чиқариш «Узглавстройдеревпро м» томонидан тасдиқланди. 1979 йилда юксак даражадаги дурадгорлик буюмларини ишлаб чиқариш асосий мижозлар—«Главташкентстрой», «Узглавколхозстрой» ва бошқа ташкилотлар томонидан маъқулланди.

Бош корхона ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантириш. 1979 йил молия планининг бажарилишини таъминлаш учун зарур материал-техника воситаларини етказиб бериш бўйича аниқ тадбирларни белгилади.

СИФАТ УЧУН ДИПЛОМ

Республика автомобиль йўллари қурилиш ва эксплуатация қилиш министрлигининг «Узоргтехдорстрой» трести коллективи йўл ва кўприклар қурилиши ташкилотларига иш сифатини яхшилашда мунтазам ёрдам кўрсатяпти. Шу йилнинг ўзида иккинчи йўл қуриш бошқармаси коллективи Бектемир — Янгибозор йўлидаги автомобиль йўли ўтказгичини сифатли реконструкция қилганлиги учун биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Буидан ташқари трестнинг техника инспекцияси бўйича мутахассислари Қўйлиқдаги кўприкбоп темир-бетон конструкцияларни заводига ҳам маҳсулотларни аттестациядан ўтказишда кўмаклашдилар. Натижада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати бир мунча яхшиланди.

БУГУН

заводнинг яна беш номдаги темир-бетон конструкциялари муддатидан илгари биринчи категория билан аттестациядан ўтказилди.

Ҳозир трестнинг техника инспекцияси коллективи 1979 йил аттестациядан ўтказиладиган маҳсулотлар рўйхатини тузиб чиқяпти.

М. ФЕЛЬДМАН.
«Узоргтехдорстрой» трестининг бош метрологи.

РАЙОН СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯСИ

КЕЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН СОВЕТЛАРИНИНГ ҲАММАСИДА СЕССИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар шаҳар маҳаллий Совети ижроия комитетининг 1978 йилда қилган иши тўғрисида; район хўжаликларининг 1979 йилги ривожлантириш планлари тўғрисида; 1979 йилги маҳаллий бюджет ва 1977 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Район Советларининг сессияларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«АРЧА ДЎСТЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ»

БУГУН

М. Горький номли болалар маданият ва истироҳат боғи ўқувчиларининг қишки каникули пайтида ўтказиладиган тадбирларга тахт қилиб қўйилди. Бу ерда «Арча дўстларни чорлайди» деб аталган янги йил байрамлари ўтказилади. Байрам қатнашчилари бўлган болалар маданият ва истироҳат боғи қошидаги қўғирчоқ театри коллективи тайёрлаган қизиқарли программани мириқиб томоша қилишади. Шунингдек мультипликация фильмлари намойиш қилиш кўзда тутилган бўлиб, болалар ўзларининг экрандаги қаҳрамонлари билан яна бир бор учрашадилар.

Каникул кунлари бу ерда янги йил ярмаркаси ишлайди.

БАЙРАМ ОЛДИ САВДОСИ ҚИЗҒИН

— Янги йил байрам олди савдоси 15 декабрда бошланган эди, — дейди Тошкент шаҳар совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи Ў. Т. Азизов. — Арчаларни чиройли безовчи турли хил безакларни «Ташхозкультторг»га қарашли 15 та магазиндан, Чилонзор ва Фрунзе район савдо марказларидан ҳамда «Шуҳрат» мактаб-магазинидан харид қилиш мумкин.

Арча байроқчалари, электргирляндалар, карнавал маскалари, серпантинлар, бенгал чироқлари, ойнадан қилинган ўйинчоқлар ва бошқа ранг-баранг арча безакларини кўпчилик севиб харид қилмоқда. Жуда кичик арчалар учун ҳам безаклар бор: жажжи қўнғироқлар, митти қорбобо ва қорқизлар, халқ эртаклари қаҳрамонлари шулар жумласидандир.

Янги йил арафасида тошкентликларнинг уйларини Кйров областидан келтирилган ўрмон маликалари безаб, файз киритади. Арчалар маҳсус павильонларда, шаҳарнинг гавжум жойларида ва хиёбонларида, майдонларида, колхоз бозорлари территорияларида сотилмоқда. Бундан ташқари, яшил арчаларга айнан ўхшайдиган сунъий арчалар ҳам сотиляпти. Ҳамшаҳарларимизга 20 мингдан кўпроқ ана шундай арчалар сотилади.

Арча безакларидан ташқари кўпгина йирик магазинларда ёдгорликлар, совғалар кенг миқёсда сотилмоқда. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида бу хил буюмлар сотиладиган махсус бўлимлар ташкил этилиб, сотувчилар сони кўпайтирилди. Байрам арафасига кунларида 5 миллион сўмлик арча безаклари ва турли хил совға буюмлари сотиш кўзда тутилмоқда.

Озиқ-овқат магазинларида, кўпинча корхоналар, қурилишлар ва муассасалар ташкил этиладиган байрамолди буюртма столлари 10 минута буюртма қабул қилади. Товарларни харидорларнинг уйларига олиб бориб бериш миқёси ҳам бир мунча кенгайтирилади.

Байрам дастурхонини Ўзбекистон тупроғида етиштирилганноз-неъматларсиз тасаввур этиш қийин. «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли магазинлар ва павильонларда аҳоли учун старли миқдорда сархил олмалар, бодринг, янги карам, картошка, пиёз, сабзи, шолғом, турп, лавлаги ва бошқа маҳсулотлар бўлади.

Ўқувчиларнинг қишкул кунларида Қорбобонинг ҳам ташвишлари кўпаяди: чунки у бир неча кун мобайнида пойтахтимизнинг минглаб болаларини билан учрашиши ва уларга янги йил совғалари тарқатиши лозим. Бундай учрашувлар пионер саройларида, мактабларда, клублар ва болалар боғчаларида уюштирилади. Болаларни ана шундай қувончли ва қизиқарли учрашувлар кутмоқда.

Магазинларнинг байрам арафасидаги иш режимлари ҳақида бир неча сўз: 30 декабрда кўпчилик озиқ-овқат магазинлари соат 24 гача, 31 декабрда эса 23 гача очиқ бўлади. Бу кунлари саноат моллари магазинлари соат 20 га қадар ишлайди.

М. МАҲМУДОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳарбий бошлиқларни қабул қилганлиги ҳақида хабар босилган.

● Кеча Минскда Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ва республика Олий Советининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари, Совет Армияси намояндаларининг иштирокида шонли сана—тўрт орденли республика — Белоруссия ССР ва Белоруссия Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

● Республика халқ хўжалиги ходимларининг катта бир группаси 28 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига йиғилди. Бу ерда уларга СССРнинг орден ва медаллари тантанали вазиятда топширилди. Социалистик мусобақадаги музаффақиятлари, зарбдор меҳнатлари учун улар ана шу орден ва медалларга сазовор бўлишган.

телетайп лентасидан

● ПРАГА. Янглава дарёсидаги «Далешице» гидроаккумуляция электростанцияси барвақт ишга туширилди. Энергия энг кўп истеъмол этиладиган дамларда станциянинг ҳар бирининг қуввати 150 минг киловатт келадиган тўртта турбинаси мамлакатнинг умумий тармоғига энергия бериб туради. Юқорилиндаги сув омборидан тушувчи сув шу турбиналарни айлантиради. Кечаси энергосистемада электр энергияси ортиқча бўлган пайтда ўша турбиналар пастдаги сув омборидан юқоридаги сув омборига сув чиқариб беради.

Ҳозир мамлакатда яна бир гидроаккумуляция электростанцияси қурилмоқда. Уларнинг бунёд этилиши Чехословакия ягона энергосистемаси ишининг самарадорлигини оширади, тўпланган энергиянинг бир қисми социалистик мамлакатларнинг «Мир» энергосистемасига ўтиб туради.

● СОФИЯ. Шумен шаҳридаги алюминий комбинатининг қурувчилари ва монтажчилари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Бош пресс цехи қуриб битказилди. Унда совет машина-ускуналари ўрнатилди. Уларни монтаж қилишда СССРдан келган мутахассислар болгар дўстларга ёрдам бердилар.

Еттинчи беш йиллик-нинг ишга туширилаётган энг мухим объектларидан бири — комбинатнинг бошқа участкаларида ҳам ишлар қизитиб юборилди.

● БЕРЛИН, ГДР граждан-ларидан қарийб 16 минг киши бу йил дўстлик поездларида Совет Иттифоқи бўйлаб сафар қилишди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва Германия — Совет дўстлиги жамиятининг активларини рағбатлантиришнинг бу формаси мамлакатда ғоят оммалашмоқда. У биродарлашган шаҳарларнинг аҳолисига, тўрлош профилдаги корхоналарнинг меҳнатчиларига Советлар мамлакати эришган ютуқларни ўз кўзлари билан кўрибгина қолмай, шу билан бирга ўзларининг амалий алоқаларини кучайтириш, бу алоқаларга мазмунлироқ тус бағишлаш имконини бермоқда. Чунончи, 1978 йилда жамиятнинг Магдебург, Зуль ва Эрфурт шаҳарларидаги активлари биродарлашган Дрезден, Калуга ва Вильнюс шаҳарлари аҳолиси-нинг меҳмони бўлишди. Берлин бинокорлари ва «Обершпрее» кабель комбинатининг меҳнатчилари москвалик ўз ҳамкасблари ҳузурида бўлдилар.

(ТАСС).



Комсомол аъзоси Светлана Александровна Ерганова шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг корхонага ишга келганига ҳали жуда кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида бу ишчан қиз касб сирларини пухта ўрганиб олди.

СУРАТДА: С. А. Ерганова.

М. Шоҳногомов фотоси.

Зарбдор йилга — зарбдор якун

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг тўққизинчи чақириқ ўнинчи сессияси қарорларидан руҳланган коллективимиз шу кунларда зарбдор йилга зарбдор якун ясаш иштиёқи билан тўлиб-тошган ҳолда меҳнат қилмоқда. Корхонамизнинг қайси бир ишлаб чиқариш участкасида бўлманг, ҳамма жойда зўр меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сурмоқда. Иш участкаларида коммунистлар — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Р. Раҳимова, пойтахт область Совети депутати В. Иванов, шаҳар Советининг тўрт Собир Раҳимов район Советининг етти депутати доимо авангардлик ролини ўйнаб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил ноябрь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг сермазмун ва ёрқин нутқида шундай деган эди:

«Ўтган уч йил мобайнида кўпгина иш қилишга, кўпгина нарсаларни яхши томонга ўзгартиришга муваффақ бўлинди. Совет кишилари Коммунистлар партияси раҳбарлигида партия XXV съезди қарорларини бажариш учун қунт билан ишламоқдалар, жўшқин, мазмундор ҳаёт кечирмоқдалар. Улар ўз кучларига ишонадилар, партиянинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги йўли тўғрилигига аминлирлар. Кейинги уч йилнинг ўзида қилинган ҳамма ишлар бизнинг тўғри, ленинча йўлдан бораётганимизга бўлган ишончни кучайтирмай қола олмайди».

Бизнинг фидокор коллективимиз ўнинчи беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш борасида катта ютуқларга эришди. Корхонанинг лойиҳадаги қуввати 31 миллион дона чинни буюмлар ишлаб чиқаришга тенг.

Корхона коллективи меҳнатда эришган ютуқлари эвазига СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси Бош Комитетининг «Фахрли дипломи» билан мукофотланди. Бир қатор ижодий кишилар виставканинг олтин, кумуш, бронза медалларини олишга муваффақ бўлдилар. Булар орасида Ўзбекистон халқ рассоми Ёқубжон Қобабоев — олтин, бош рассом Ботир Собиров — кумуш, бош инженер Дилшод Мақсулов, рассомлардан — Мунира Юнусова, Майна Александрова — бронза медали олишди.

Ижодий фикр эгалари ишлаб чиққан 19 тадбирнинг амалга оширилишидан йилига 200 минг сўмдан кўпроқ иқтисодий фойда кўрилмоқда.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, ветеранлар ҳақида ғап борганда корхонамизнинг машъали ҳисобланган коммунистлардан контролер Мунира Толипова, ишчилардан шаҳар Советининг депутати Дилбар Қулмуҳамедова, Собир Раҳимов район Советининг депутатлари М. Азимова, К. Ширяева, Г. Лутфуллаева ва бошқаларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин. Корхонамизда бугунги кунда қирққа яқин ишчи оилалар сулоласи меҳнат қилмоқда. Муносиб ишчи ворислар етиштириб берувчи ветеранлар ҳам шулардир. Масалан, кекса ишчи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, Иногом Икромов, ўз умрининг қирқ йилдан ортиғини заводда меҳнат қилиб ўтказган. Унинг қизи Светлана ўн етти йилдан буён шу корхонада меҳнат қилмоқда. Булардан ташқари бирғина шу оиладан яна тўрт киши заводда ишлаб келяпти ва камол топяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқиндагина бўлиб ўтган пленуми ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессиясида беш йилликнинг ўтган уч йилида қилинган ишларга якун ясалиб, бундан буёнги ривожланиш истиқболларимиз белгилаб берилди. Корхонамиз коллективи беш йилликнинг уч йили ва беш йиллик топшириқларини, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг шарафли адо этилиши учун бутун куч-ғайратларини сарфлайди.

Ҳ. ТОШХЎЖАЕВА,
чинни заводи ишчиси, Тошкент шаҳар Советининг депутати.



Яқинда штатсиз фотомухбир И. Шоҳногомов шаҳримиздаги 1-босмахонада бўлиб, коллективнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Унинг диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳасида шу корхонада узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келаётган Муҳсин Шосулаймонов акс этган. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу ишчи доимо кундалик топшириқларни ортиғи билан адо этиб, бошқаларга ибрат бўлмоқда.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ҳатлар

ЭЛ ХИЗМАТИДА

▲ ИШЧИ ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

Тошкент трактор заводининг цехларида ҳаёт қайнайди. Станокларнинг гувиллашига пресс машиналарининг бир текисда гурсиллаб тушиши, ишчиларнинг ҳазил-мутойибал а р и ҳамоҳангдек ҳудди ўзига хос бир ажиб куйни эслатади. Ҳа, ишчиларнинг навбатдаги оддий иш куни бу.

8-электромеханика цехининг ўровчиси Зайниддин Муҳидов мана ўн йилдирки, ҳар бир иш кунини ўзгача завқ-шавқ, янгича иштиёқ ва ғайрат билан кутиб олади.

Зайниддин ака ишлайдиган электромеханика цехи ишдан чиққан электродвигателларга иккинчи марта ҳаёт бахш этади. Унинг вазифаси эса ана шу мотор қобиғи ичига калаваланган симларни схемада кўрсатилганидек қилиб жойлаштиришдан иборат. Албатта, Биз унинг ишини миридан-сиригача кузатишга улгураолмасдик. Бир зум ўтмай токарлик станогининг электродвигател и н и қўлдан чиқариб қўйди.

— З. Муҳидов цехимизнинг энг илғор ишчиси бўлиши билан бирга тажрибали ҳамда жонкуяр мураббий ҳамдир. — дейди цех бошлиғи Юрий Акимович Поперкин — Ёш ишчиларга ўз тажрибасини ўргатиш учун меҳрини ҳам, билимини ҳам, вақтини ҳам аямайди. Шу кунгача ўзимизнинг цехда ва бошқа цехларда унумли меҳнат қилаётган 15 дан ортиқ ишчи Зайниддиннинг таҳсилини кўрган. Ҳар ҳолда улар ўз устозини уялтиришмаяпти.

З. Муҳидов бундан ташқари жамоат ишларида ҳам актив иштирок этади. Ўтган йили коллектив унга катта ишонч билдириб Куйбишев район Советига депутатликка сайлаганди. Бир томондан ўзининг смена ишларини дўндирса, иккинчи томондан халқ наказаларини ҳам бажо бермайди. Шу йилнинг октябрь, ноябрь ойларида бу ерда катта иш олиб борилди. Аввало барча уйлар оқланди. Эски уйлар олди тахта билан тўсилди. Хонадонлар ойна, эшик, ромларни бўядилар.

Шунингдек, Вревский Бешкент, Ободлик, 2-Ипподром, Ефимов кўчаларидаги 3 минг уйнинг ташқи кўринишини яхшилаш учун барча ишлар бажарилди.

Райондаги турар жойлардан Т. Шевченко кўчасидаги уйлар кўринши ҳам яхшиланди. Ҳозир Пролетар кўчасидаги 45-уй, Полторацкий кўчасидаги 5-уйнинг ташқи кўринишини яхшилаш учун ремонт ишлари олиб борилмоқда.

Уйларнинг ташқи кўринишини яхшилашда бошқармага к ў п г и н а ташкилотлар, маҳаллалар катта ёрдам кўрсатишмоқда. 3-квартал комитетининг бу ўриндаги ишлари айниқса ибратлидир.

А. БОТИРОВ,
Ленин район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Янги йил арафасида трактор заводи массивида 16 минг номерли янги АТС ишга тушади. ГДР ва Чехословакиядан келтирилган замонавий приборлар асосида жиҳозланган автомат-телефон станциясини «Союзтелефонстрой» трестига қарашли 2-Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари монтаж қилмоқдалар. Қурилишга прораб Олег Стукалов бошчилик қилмоқда. Телефон қувурларига кабеллар ётқизиб бўлинди. Бино ичидаги монтаж ишлари ниҳоясига етказилятти.

Бу ишларда Василий Конарёв бошчилик қилаётган монтажчилар бригадаси барчага намуна бўлмоқда. Алоначилардан Марсель Биткузин, Николай Соболёв, Василий Чубенко, мастер Владимир Ткачнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин.

Бу О. Стукалов раҳбарлигида монтажчилар бу йил Тошкент шаҳрида қурган бешинчи АТСдир.

1979 йил январидан бошлаб эса коллектив Октябрь районида 42-АТС қурилишини бошлаб юборади.

О. СОБИРОВ,
бошқарма қурувчиси.

● ХАТЛАРИНГИЗНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

АҲОЛИ ТАКЛИФИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ

Ҳурматли редакция! Бизлар Форобий проспектида (Чигатой дарвоза) истиқомат қиламиз. Чигатой дарвоза — Революция хиёбони маршрути бўйлаб қатнаётган 8-троллейбус яқинда бошлаб биз тарафга юрмайдиган бўлиб қолди. Бу маршрутдаги троллейбус «Юбилей» спорт саройигача қатнамоқда. Хўш, нима сабабдан 8-троллейбус биз томонга қатнамай қўйди?

РАҲИМОВА, ЖАМИЛОВА, ҲИКМАТОВА, САҲИ-ЕВ, АҲМЕДОВА, МАҲСУМОВ, ТОЖИБОЕВА, ҲУДОЙБЕРДИЕВ ва бошқалар. Жами 30 имзо.

Оқшомчиларни м и з-нинг редакциямизга йўллаган бу хатини шаҳар трамвай-троллейбус бошқармасининг бошлиғи А. МАДАЛИМОВ шундай шарҳлайди:

— Ҳақиқатан ҳам 8-маршрутдаги троллейбус Чигатой дарвозасигача қатнамаётир. Чунки бу кўча жуда тор бўлиши билан бирга у ерда йўловчилар учун ҳеч қандай йўлакалар йўқ. Бундан ташқари ана шу кўчадан троллейбус қатнайдиган йўл бўйлаб маршрут бўйича олти автобус қатнайди. Биз кўплаб ҳамшаҳарлар и м и з-нинг таклифини инобатга олиб маршрутнинг «Юбилей» спорт саройигача қатнашини ташкил этиб ҳаракат хавфсизлигини таъминладик.

Ҳозир ана шу маршрутдаги троллейбус «Юбилей» спорт саройидан Революция хиёбонигача эмас, балки Вокзал майдонигача қатнай бошлади. Янги йилнинг ўрталарига бориб 8-маршрутдаги троллейбус В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети биносидаги майдонча атрофидан айланадиган бўлади. Бу билан ўн минглаб студентларга қулайлик яратилади.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советида ижодий коллективлар ва саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, ўқув муассасалари, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ўртасида энг яхши ўзаро алоқа ва ҳамкорлик бўйича конкурс ўтказувчи республика ташкилий комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ташкилий комитет қарорида Алишер Навоий номли Давлат академик катта опера ва балет театри, Самарқанддаги Чехов номли рус драма театри, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Правда» газетасининг 50 йиллиги» номли маданият саройи ва бошқа коллективларнинг шу соҳадаги самарали ишлари таъкидлаб ўтилди. Уларга дипломлар ва пул мукофотлари топширилди. Бу соҳада айниқса, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театри коллективи кўпгина ишларни амалга оширди. Театр коллективи Ленин номидаги Олмалиқ тоғ металлургия комбинати, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи ва Тошкент фармацевтика институти коллективлари билан оталиқ шартнома тузган ҳолда иш олиб бормоқда. Мана шу корхоналарда ва институтда театр коллективи ҳар ойда бир марта концерт ва ижодий учрашувлар уюштиряпти.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

...МАҚТАЙДИ...

ОБУНАЧИ МАМНУН

Зеби Аъзамхўжаева ва Мая Ҳалиловалар кўп йиллардан буён шаҳримиздаги 42-алоқа бўлимида почтальонлик қилиб келишмоқда. Бу ишчан ҳушхабар тарқатувчиларни обуначилар беҳад ҳурмат қилишади. Негаки, улар ҳар бир обуна нашрини эгаларига ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш учун жон куйдиришади.

Бу меҳнат илғорлари ўзларининг ташаббускорлиги ва касбига виждонан ёндошиши билан ҳамкасбларига доим намуна. 42-алоқа бўлими раҳбарлари уларни доимо рағбатлантириб бормоқда.

Қ. ОБИДОВ, студент.

● *Қишлоқ—шаҳарга*

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

Пойтахт аҳолисига пешма-пеш тирик ва қотирилган балиқларни етказиб беришда Тошкент область «Ғалаба» районидаги балиқ тайёрлаш-экспериментал ҳўжалиги коллективи об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, жонбозлик кўрсатмоқда. Негаки, шаҳар аҳолисининг тирик балиққа бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бораяпти. Буни ҳисобга олган балиқчилик ҳўжалиги ишчилари балиқларнинг янги хилларини кўпайтириш ва уларни яхши парвариш қилишга ҳаракат қилишмоқда.

Мана, биз ҳўжаликнинг балиқ қотириш цехидамиз... Бу ерда бир кунда 4 тонна қотирилган балиқ тайёрланяпти. Тайёрланган балиқ маҳсулоти пойтахтдаги 28 та савдо ташкилотига пешма-пеш жўнатилмоқда.

— Бу йилги планимиз 600 тонна эди,— дейди цех бошлиғи Иван Иванович Чермицкий. — Лекин биз бу кўрсаткични эҳтиёжга кўра 640 тоннага етказдик. Шу кунларда цехда реконструкция ишларини ҳам бошлаб юбордик. Балиқ қотиришда К. Сулаймонова, З. Бойбекова, М. Абдувалиев каби ишчиларимиз баракали меҳнат қилишяпти.

Ушбу суратда ҳўжалик ишчиларидан бир группасини (чапдан ўнгга) Б. Қодиров, С. Зиёдов, Ў. Жўраев, Н. Холхўжаев ва Р. Фасхиевларни з-участка ҳовузидан тутилган балиқларни шаҳарликларга юбориш учун саралашаётган пайтини кўриб турибсиз.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.
Автор фотоси.



● УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

БИРОДАРЛИК ТАНТАНАСИ

Фрунзе районидаги А. Гайдар номли 100-ўрта мактаб биноси одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда йиғилган кувноқ кайфиятдаги ёшлигит ва қизлар иссиқ, вьетнам ва бошқа халқларнинг тилларида сўзлашарди. Турли тилларда янграётган «Тинчлик», «Дўстлик» сўзларини тушуниш қийин эмасди.

Шаҳримизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олаётган чет эллик ёшлар ўзларининг дўстлик ва бирдамлик кечаларини ғоят мазмунли ўтказишди. Кечада Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Чет эллик студентлар Совет Иттифоқида ўқиётган ёшлар учун катта имкониятлар яратиб берилганлигидан мамнун эканликларини ҳаяжон билан сўзладилар. Вьетнамлик студент Чан Ван Хан ўз халқининг озодлик учун олиб борган кураши ҳақида гапириб берди. Кубалик Лайде Матаусе Озодлик ороли меҳнаткашларининг социализм қурилишида муваффақиятлари, халқлар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланаётганлиги ҳақида сўзлади.

Йиғилганлар Улуғ Ватан уруши ветерани, Ватанимиз пойтахти Москва остоналарида жанг қилган панфиловчи П. А. Акименко ва бошқаларнинг сўзларини эътибор билан тинглашди.

С. МАМАЖОНОВ.

Уй-жой, жамоат биноларини асрайлик

ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ЧИРОЙ ҚЎШИБ

Пойтахт чиройини очишда турар жой, ташкилот ва муассаса биноларининг ташқи кўринишн алоҳида ўрин тутади. Бу ўринда пойтахтимиздаги Ленин районида кандай ишлар олиб борилмоқда?

Ободонлаш т и р и ш бошқармасидаги Б. Бучка инженерлик қилаётган бўлим ишчилари ва хизматчилари районни ободонлаштириш, безаш ишларини намунали олиб бормоқдалар.

—Весна кўчасидаги уйлар шу йил бошида кўримсиз эди,—дейди Б. Бучка,—бунга сабаб уй олдилари турли темир-терсак, ёғоч, тиканли симлар билан тўсилиб томоққа айлантирилган эди. Натижада уйлар гарчи янги қурилган бўлса-да, эътиборден четда қолганди. Бошқарма коллективи 120-уйдан 233-уйгача бўлган барча турар жой биноларининг олдидаги тўсиқларни олиб ташлади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳамза станциясидаги яқин қурилган кўприкдан то Қўйлиққача бўлган масофадаги уйлар эски типда қурилган бўлиб, ҳозирги замон талабига унча жавоб бермайди. Шу йилнинг октябрь, ноябрь ойларида бу ерда катта иш олиб борилди. Аввало барча уйлар оқланди. Эски уйлар олди тахта билан тўсилди. Хонадонлар ойна, эшик, ромларни бўядилар.

Шунингдек, Вревский Бешкент, Ободлик, 2-Ипподром, Ефимов кўчаларидаги 3 минг уйнинг ташқи кўринишини яхшилаш учун барча ишлар бажарилди.

Райондаги турар жойлардан Т. Шевченко кўчасидаги уйлар кўриниши ҳам яхшиланди. Ҳозир Пролетар кўчасидаги 45-уй, Полторацкий кўчасидаги 5-уйнинг ташқи кўринишини яхшилаш учун ремонт ишлари олиб борилмоқда.

Уйларнинг ташқи кўринишини яхшилашда бошқармага к ў п г и н а ташкилотлар, маҳаллалар катта ёрдам кўрсатишмоқда. 3-квартал комитетининг бу ўриндаги ишлари айниқса ибратлидир.

А. БОТИРОВ,
Ленин район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ВОҲАНИНГ КУМУШ КОСАСИ

«Ҳурматли редакция! Менга Туямўйин сув омборида қанча сув сақланиши, уни қуриш билан боғлиқ масалаларни тушунтириб беришингизни илтимос қиламан.

Салом билан, газетхон А. АБДУРАИМОВ».

Туямўйин сув омбори Хоразм областининг Дружба шаҳри яқинида қурилятти. Унинг лойиҳаларини Я. С. Жук номли Лениннинг орденли Бутуниттифоқ «Гидропроект» илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институтининг Ўрта Осиё бўлими инженерлари яратишган. Сув омбори Амударёнинг сув ресурсларидан рационал фойдаланиш имконини беради.

Туямўйин гидроузели мамлакатимиз учун муҳим бўлган пахта, гуруч ва мева-чевалар, сабзавот маҳсулотларини етиштиришни тубдан яхшилайди. Келажакда Хоразмда пахта етиштириш бир миллион тоннага, гуруч етиштириш 376 минг тоннага етади. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳам юксалади.

Туямўйин гидроузели дарё бўйидаги пастқамликда, чуқурликда эмас, балки соҳилда қад кўтарган харсангтошли майдонда қурилади. Унда тўпланган сув бир секундда беш юз куб метр сув ўтказадиган магистрал каналдан Ўзбекистоннинг Хоразм области ва қардош Туркманистоннинг Тошовуз области районлари далаларига оқади. Ўнг қирғоқда эса бир секундда 200 куб метр сув оқизадиган магистрал каналдан Қорақалпоғистоннинг экин майдонлари суғорилади.

Амударёдан оқиб келаётган лойқа сувлар махсус шлюзларда тозаланади. Шунингдек, Султон Санжар сув омборида сув ҳажмини ошириш йўллари изланяпти.

Туямўйин сув омборига 5,3 миллиард куб метр сув сиғади. Бу эса суғориладиган экин майдонларини 500 минг гектардан бир миллион гектаргача ошириш имконини беради.

Тўғонда қурилаётган электр станция ҳам Хоразм воҳаси учун катта аҳамиятга эгадир. У 150 минг киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватига эга.

1980 йилда Туямўйин сув омборига тўпланган дастлабки сувни экин майдонларига оқизиш бошланади. Қурилиш ишлари 1980 йилда битказилади.

2 Тошкент бет оқшоми

29 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

«Тошкент оқшоми»да босилганидан кейин

«ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРСИН»

Шу сарлавҳали материалда 8-трамвайнинг Бешқайрағочдаги сўнгги бекати тартибсиз ҳолда ётгани, солбоннинг қаровсиз қолгани танқид қилинган эди.

Трамвай-троллейбус бошқармасидан олинган жавобда бу масалада чора кўрилгани, бекат тартибга келтирилгани хабар қилинган.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Бошқа бир материалда айрим пайтларда трамвай вагонлари ифлослигича рейсга чиқарилаётгани кўрсатилган эди.

Бошқарма бу масалани ҳам эътиборга олганини, қатъий тартиб ўрнатганини маълум қилди.

«АНҚОНИНГ УРУҒИ»

Газетанинг 24 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда шаҳарда болалар учун оқ рангли кофталар, колготкалар ва спорт костюмлари танқислиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигидан олинган жавобда чиндан ҳам юқоридаги моллларнинг камлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги савдо шаҳобчаларидан олган буюртмани тўла бажармаётгани кўрсатилади. Шунингдек, ҳозир бу масалада чора кўрилаётгани, келгуси йилда аҳволни нормаллаштириш учун маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилиши маълум қилинади.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ҲАЛИЛОВ: Янги йил бўсағасида турибмиз. Шундай кезларда қавму қариндошлар, узоқ-яқиндан келган ёру биродарлар билан тўкин дастурхон атрофида ўтириш қандай яхши! Мен бир дўстимдан шаҳримизда тантанали маросимларни ўтказиб берадиган уй борлигини эшитиб қолдим. Иложи бўлса ана шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Агар зиёфат ёки бирорта тантанали маросим ўтказиш орзусида бўлсангиз Тошкент «Сервис» фирмасининг хизматчилари Сизга энг яқин ёрдамчи бўлишади. Фирманинг «Тантаналар уйи» хизматингизда бўлади. Ана шу зиёфатлар уйи чиндан ҳам тошкентликларнинг ҳурматига сазовор бўлган. Пазандалар байрам дастурхони учун мазали таомлар тайёрлашади, официантлар меҳмонлар дастурхонини безатишади. Зиёфатлар уйининг ходимлари тўйнинг ёки зиёфатнинг файзли ва завқли ўтиши учун бутун маҳоратларини ишга солишади. «Тантаналар уйи» Полторацкий кўчасидаги 29-уйга жойлашган. Унинг ҳар бирига юз ва ундан ортиқ киши бемалол сиғадиган, учта залининг биридан фойдаланса бўлади. Қўшимча маълумотларни 33—18—42 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.

* * *

Х. ЗОКИРОВА: Ҳурматли редакция! Мени бир масала қизиқтиради: айтингчи, иш жойидан ҳомиладорлик отпускасига чиққан аёлларга қандай ҳақ тўланиши керак?

Жавоб: Ишчи ва хизматчи аёлларга давлат социал страхование ҳисобидан нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича мавжуд низомга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғруқ отпускасига чиққан аёлларга касаба союз аъзоси ёки аъзоси эмаслигидан ҳамда меҳнат стажининг қанчалигидан қатъий назар нафақа тўлиқ иш ҳақи ҳажмида тўланаверади.

* * *

А. УСМОНОВ: Кичик ўғлимиз Шавкатжон расм чизишга жуда қизиқади. Шаҳримизда расм чизишга қизиқиши зўр бўлган ана шундай болаларни қабул қиладиган махсус мактаб бор экан. Шу ҳақда билишни истар эдим.

Жавоб: Қуйбишев районида шундай мактаб бор. Бундан икки йил муқаддам шу райондаги 14-болалар музика мактаби базасида тасвирий санъат, музика ва хореография бўлимлари бор бўлган санъат мактаби ташкил этилган эди. Бу мактаб Ж. Обидова кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган.

* * *

Э. АБДУЛЛАЕВ: Мени ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларига бериладиган имтиёзлар қизиқтиради. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ишлаб чиқаришдан бевосита ажралмаган ҳолда (кечки сменали) ҳунар-техника билим юртларида ўқиётган ишчилар имтихонга тайёргарлик кўриши ва уларни топшириши учун бир йил ҳисобидан 30 иш кунига ишдан озод этиладилар. Бундай ҳолларда бундай ишчиларнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг 50 проценти сақланиб қолади.

* * *

С. НОСИРОВА, Г. ҒУЛОМОВА: Спортнинг қиличбозлик тури билан шуғулланиш ниятимиз бор. Шундай секция ёки тўгарак борми?

Жавоб: «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Совети ҳузурида ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Секцияга врачлар рухсатномасига эга бўлган ўсмир ва қизлар қабул қилинадилар. Мактаб «Марказ—5» кварталида, «Қозоғистон» кинотеатрининг ёнида жойлашган.

• КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари—амалда

ОЛИМЛАР— ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш — қишлоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳал этувчи факторлардан бири сифатида уни узлуксиз равишда ошира боришга алоҳида эътиборни қаратди. Қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифаларни амалга оширишда фаннинг ролини бундан буён янада кўтариш қишлоқ хўжалигини мутаносил ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперименталь биологияси институти ходимлари буни жуда яхши тушунадилар. Натижада олимлар вилтга чидамли, чигитнинг серҳосил «Тошкент» номли янги навини етиштирдилар. Бу чигит республикамиз пахта далаларига экилиб, ундан яхши ҳосил олинди. Олимлар пахтанинг «Мексиканум» деб аталган ёввойи хилларидан бирига радиофосфор орқали таъсир ўтказдилар. Натижада яхши нав етиштирилди. Шулардан бири — вилтга чидамли ва серҳосил АН— 402 нави Давлат синовидан муваффақиятли ўтди ва 1978 йилда районлаштирилди.

Ҳозирда давлат нав саралаш тармоқларида 15 га яқин янги серҳосил, вилтга чидамли, сифатли тола берувчи чигит навлари синаб кўрилмоқда.

Вилтнинг физиологик-биохимик аспектларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Олинган маълумотлар асосида ғўзанинг ҳимоя реакциясини атроф-муҳит учун зарарсиз бўлган моддалар ёрдамида интенсивлаштириш йўли билан ғўзани вилтдан муҳофаза этишнинг янги амалий усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Институтнинг илмий натижаларини ҳаётга тадбиқ қилиш фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга, куч ва маблағларни энг асосий йўналишларга уйғунлаштиришга ёрдам беряпти. Жумладан, қатор оралари 90 сантиметр қилиб экилган ғўзаларнинг барглари қатор оралари 60 сантиметр қилиб экилган ғўзаларнинг барглариға нисбатан тез ривожланиши, ундаги модда алмашиш хусусияти интенсивлиги тез ривожланиши аниқланган. Яъни бундай ҳолда ғўзалар одатдагига нисбатан 2— 4 кун тез ривожланади.

Олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган чигитларни экишдан олдин қаҳрабо кислотаси эритмаси билан ишлов бериш методи яхши натижалар бермоқда. Бу метод ҳозирда ишлаб чиқариш шароитида кенг қўлланилмоқда ва пахта ҳосилдорлигини гектарига 2— 3 центнер, мойлилигини — 0.4 —0.8 процент ошириш имконини бермоқда.

Олимлар тажриба ўтказмоқдалар, изланмоқдалар ва оқибат натижада ғўзанинг ўсиши ва ривожланишининг ҳамма янги-янги сирларини очиб бермоқдалар. Ғўзаларнинг 2 — 3 (108-Ф нави) ва 3— 4 («Тошкент» нави)тадан кўсаклари очилган пайтда (ўсимликнинг нави ва ривожланиш даражасига қараб) дефолиация ўтказиш ғўзадаги кўсаклар сони ва ҳосилдорлигига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Шўрҳок тупроққа қийин эрийдиган кальций тузини солиш билан ғўзанинг тузга чидамлилигининг ортиши ҳамда тупроқнинг тузланганлиги даражасига қараб ғўза ҳосилдорлигини 20 процентгача ошириш имконияти борлиги исботланди. Кальцийнинг карбонат типида тузланган ҳамда баравар миқдорда азот ва фосфор ўғитлари аралашмаси солинб сепилганда юксак натижага эришилди. Бизда «Тошкент» нави ғўзага минерал ўғит солиш дозаси ишлаб чиқилган ва тавсия этилган. Сув етишмаган тақдирда ғўзанинг сувсизликка мослашиши аниқланди, шунингдек 152-Ф ва «Тошкент» навларини суғоришнинг оптимал режими ишлаб чиқилди ва физиологик жиҳатдан асослаб берилди.

Чигит ҳаво температурасига қараганда тупроқдаги иссиқликни яхши сезувчан эканлигини ҳисобга олиб, олимлар ерни 50— 55 сантиметр чуқурликда ҳайдаб шудгор қилишни тавсия этдилар. Бу юқори самарали тадбир ҳар бир гектардан қўшимча 4— 5 центнер ҳосил олишни таъминлайди.

Институт томонидан тўққизинчи беш йиллик мобайнида ва ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки йилида жорий этилган 18 ишдан олинган иқтисодий самара бир миллиард сўмдан ортиб кетди.

Бундай ютуқларга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми, институт партия ташкилоти ва маъмурияти томонидан тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш йўлида изланишга ҳамда унинг янги-янги йўллари ва методларидан кенг фойдаланишга катта эътибор бериб келинаётганлиги туфайли эришилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль 1978 йил Пленуми қарори, Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган доклади биз учун дастуриламал бўлиб қолади ва у илмий тадқиқотларни бундан буён янада равнақ топишига хизмат қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида қилган докладида шундай деган эди:

«Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун қурашнинг янги босқичига мувофиқ равишда партиявий раҳбарлик ҳам янада юксакроқ даражада, омма ўртасида ишлаш методлари ҳам янада мукаммалроқ даражада бўлмоғи лозим.

Партия ташкилотлари шу вазифаларни муносиб даражада уддалай оладилар, деб кутиб олиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Ана шу мақсадда, институт партия ташкилоти ва раҳбарлари чигитнинг вилтга чидамли, толаси юқори сифатли ва серҳосил янги навларини яратиш имконини берадиган бир қатор тадбирларнинг белгилаб қўйди.

Институт ходимлари биология ва қишлоқ хўжалиги фанларининг назарий асосларини ривожлантира, шу фан эришган ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий эта бориб янада самарали меҳнат қилиш ниятиёти билан тўлиб тошганлар.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперименталь биологияси институти партия бюроси секретарининг ўринбосари, биология фанлари кандидати.





Янги, 1979 йилнинг кириб келишига саноқли кунлар қолди. Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳарларида байрам олди савдоси авжида. Юқоридаги суратда «Пулково» гул питомнигининг ходимлари Надежда Пирожкова ва Галина Киселева ҳарбий хизматчиларни кўриб турибсиз. Улар Ленинград магазинларига юборилган гулларни саралашмоқда.

Ўнгдаги суратда Москва шаҳрини безаш ва реклама бошқармасининг рассомлари янги йил арчаларини безаш ҳақида фикрлашишмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

«ИЛҲОМ»: КЎРГАЗМАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ПРЕМЬЕРАЛАР

Рашид Зокиров, Ғайрат Бойматов ва Ўзбекистонлик бошқа ёш рассомларнинг расм полотнолари республиканинг ижодкор ёшлари «Илҳом» клубида очилган кўргазмага қўйилган. Бу экспозиция клуб секцияларидан бири — рассомлар секциясининг фаолияти тўғрисида ўзига хос ҳисоботдир. Улар ҳозир янги, кенгайтирилган кўргазма очиш тараддудини кўрмоқдалар. Бу кўргазманинг келгуси йил январь ойида очилиши мўлжалланмоқда.

«Илҳом» клубининг бошқа секциялари аъзолари ҳам 1979 йилда ўзларининг янги ижодий муваффақиятлари ва асарларини намойиш қиладилар. Ёш кинематографиячилар махсус кўргазма залини жиҳозлаш ва безашни тамомлаб, эндиликда янги лентaлари премьераларига, республика экрани етакчи усталари билан учрашувларга таклиф этадилар. Шаҳар ёшлар клубида қайта ташкил этиш мўлжалланаётган дискотека бир қанча янги программаларни тайёрлади.

Саҳна санъати шинавандалари ёшлар театри эксперименталь студияси премьераларини кўрадилар. Бу ерда Бертольд Брехт, Мўмин Қаноат ва Чингиз Гусейнов асарлари юзасидан спектакллар устида олиб борилаётган иш тугай деб қолди. Студияда эндиликда республика пойтахтидаги театрларнинг профессионал артистлари билан бирга А. Островский номли Тошкент театршунослик-рассомлик институтининг студентлари ҳам шуғулланмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

БЕРЛИН. Социалистик иқтисодий интеграция ҳар бир қардош мамлакатнинг ва умуман ҳамдўстликнинг социалистик ва коммунистик қурилиш соҳасидаги муҳим проблемаларини ҳал этишда тобора кўп даражада ёрдам бермоқда. ГДР Министрлар Советининг стандартлаш, метеорология ва товарларни синаш бошқармаси раиси, Узаро Иқтисодий Ердам кенгашида стандартлаш доимий комиссиясининг раиси Г. Лилье ТАСС мухбирига шундай деди.

Социалистик давлатнинг қонун кучига эга бўлган ягона стандартларининг ишлаб чиқилиши, деб давом этди у, маҳсулот сифатига баҳо бериш, ҳом ашё, материаллар ва энергиядан самаралироқ фойдаланиш учун мустаҳкам негиз яратади.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ПРАГА. Кўкка бўй чўзган кранларнинг чўққилари, янги уй-жой биноларининг оппоқ кварталлари ва шу уйларга кўчиб кираётган кишиларнинг қувноқ чеҳралари социалистик Чехословакиядаги ўнлаб шаҳарларнинг ҳаёти учун характерли белги бўлиб қолди. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида шу шаҳарларнинг ҳар бирида янги йирик районлар пайдо бўлди. Бу районлар ЧКП нинг, республика ҳукуматининг меҳнаткашлар турмуш даражасини тобора ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг намунасидир.

Чехословакияда уй-жой қурилиши суръатлари йил сайин ошмоқда. Уй-жой фондини янгилаш учун давлат томонидан тобора кўп миқдорда маблағ ажратилмоқда. ЧССР ишчилари ва хизматчилари шу беш йилликнинг ўзидагина 640 мингта янги шинам квартираларга эга бўладилар. 1970 йилдан бошлаб республика аҳолисининг бешдан бир қисми ўзининг уй-жой шароитини яхшилади.

ЗАФАР РАПОРТЛАРИ

БУДАПЕШТ. Венгрияда Захон ва Шопрон, Комло ва Диош-Дьнер шаҳарларидан шу кунларда меҳнаткашлар коллективлари йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажарганликлари, ишлаб чиқаришда янги-янги муваффақиятларга эришаётганликлари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Республика беш йиллигининг учинчи йилини якунламоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1978 йилда 5,6 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 3 процент кўпайди. Меҳнаткашлар моддий фаровонлиги тобора ўсмоқда. Аҳолининг реал даромади 3,5 процент ошди. 90 мингдан зиёд оила янги уйларга кўчиб кирди.

УЛКАН БАЛИҚ

СОФИЯ. 70 яшар балиқчи Мехмед Ризов ва унинг ўғли Дунай дарёсидан 210 килограммли белуга балиғини тутиб чиқардилар. Уни порт крани ёрдами билан бир неча соат қурашдан кейингина қирғоққа чиқариш мумкин бўлди. Балиқнинг узунлиги 3,65 метр, ундан 45 килограмм икра чиқариб олишди.

Шу йилнинг февралида Мехмед Ризов 151 килограмм вазндаги белуга балиғини тутганди.

ЛА МАНШ ОСТИДАН ТОННЕЛЬ

ПАРИЖ. Бир неча йиллик суҳбатдан сўнг Европада Ла Манш бўғозининг остидан темир йўл тоннели қуриш тўғрисида яна гапирила бошланди. Англия ҳукумати бошланган ишга пул ажратишни рад қилганидан сўнг, 1974 йилда тоннель қазиш тўхтатиб қўйилганди. Англияда ишлаб чиқилган янги лойиҳа илгари мўлжалланганидек иккита ер ости галерея қуришни кўзда тутади. Бу эса лойиҳанинг амалга оширилиш нархини ғоятда қисқартиришга имкон беради. Аммо бу янги таклиф Францияда ғоятда эҳтиётлик билан кутиб олинди. Англиянинг тоннель қуришдан биоданига воз кечиши Франция хазинасига 125 миллион франк зарар келтирилганлигини бу ерда унутишгани йўқ.

(ТАСС).

ИШСИЗ АРХИТЕКТОРЛАР

БОНН. Германия Федератив Республикасида архитекторлардан 5000 дан кўпроқ киши ёки ана шу касбдаги кишиларнинг 10 проценти ишсиздир.

Матбуотнинг ёзишича, мамлакатда саноат ва уй-жой қурилишининг сўнгги йилларда анча камайтирилганлиги архитекторлар ўртасида ишсизлар кўпайганлигининг асосий сабабидир.



Бидгошч шаҳридаги Унитра-Эльтра радио заводи мукаммал транзисторли радиоприёмник-ларни ишлаб чиқаради. Бу ерда анъана бўйича янги моделдаги ҳар бир приёмникка Польшада кенг тарқалган аёлларнинг исми берилади. Ҳозир «Ада», «Дорота», «Дана», «Йовита» номи билан аталувчи приёмникларга мавжуд. Энг сўнгги моделга эса «Ирена» номи берилди (суратда).

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ЯПОНИЯ ЭКСПОРТИ ОШМОҚДА

ТОКИО. Японияда ишлаб чиқарилган товарларнинг экспорти 1978 йилда 12 процентга ошди. Бу ҳақда Япония Ташқи савдо ва саноат министрлиги хабар қилмоқда. Экспорт ҳажми 1978 йилда 97 миллиард долларга етди. Бу 1977 йилдагига қараганда 10 миллиард доллар кўпдир.

ЯПОНИЯ ИМПОРТИ ОШМОҚДА

ТОКИО. Японияда 1978 йилда импорт ҳажми 12 процентга ошди. Бу ҳақда Япония Ташқи савдо ва саноат министрлиги хабар қилмоқда. Импорт ҳажми 1978 йилда 80 миллиард долларга етди. Бу 1977 йилдагига қараганда 8,5 миллиард доллар кўпдир.

ШАҲДАМ ОДИМ БИЛАН

УЛАН-БАТОР. Д. Сухэ-Батор номидаги Улан-Батор давлат полиграфия комбинати Монголия олтинчи беш йиллик плани илғорлари сафидан шаҳдам қадам қўйиб бормоқда. Тармоқдаги асосий корхона ходимлари ўн ойлик социалистик мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Эндиликда улар йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Полиграфиячилар орасида новаторлик ҳаракати, ёшларнинг зарбдор бригадалари, аъло сифат учун кураш кенг қулоч ёзди. Бирлашмадаги барча ишчиларнинг 70 процентдан кўпроғи зарбдор ёшлар бригадаларига бирлаштирилган.

Корхона тармоқда намунали ҳисобланади. Фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ишлаб чиқариш жараёнларининг 80 процентдан кўпини механизациялаштириш ва автоматлаштиришга имкон берди.

(ТАСС).

Т. ҚАИПБЕРГЕНОВ

ГУМРОҲЛАР

Романдан боблар

Эрназар кўп қон йўқотгани учун Хивага кириб борганларида у ҳушидан кетди. Аммо шунга қарамай судраб олиб бориб зиндонга ташлашгандан кейингина жони роҳат топиб, кўзи уйқуга кетди. Тенгел Эрназар билан бирга ҳайдаб кетишаётганидан фахрлангани учунми, ё ёш бўлгани учунми, шунча йўл юриб чарчаганига қарамасдан кечаси тинқиб ухлаб тургандан кейин ўзини енгил сезиб, кўзларини очди. Гулзебо қўйнига тиқиб қўйган ярмита қўйлакни Эрназарнинг қўйнидан олиб, ярасидан оқиб қотиб қолган қон-кўпчларни авайлаб артди-да, бошқатдан боғлаб қўйди. Эрназарнинг кўзлари киртайиб, учинчи куни тилга кирди.

— Қалайсан, бола?

— Ҳозир чиқариб юборишса, дунёни тўрт марта айланиб келгудек ҳолим бор, ога.

— Бўшатишса керак, вазифанг тугади-ку.

— Қандай вазифа, ога?

— Иним,—деди оғир нафас олиб Эрназар.— Биров билан уришадиган бўлсанг, яна арашгулик ўрин қолдиришни яхши ўрганибсан.

—Эрназар ога, етимлар ҳар кимникида кўзи мўлтираб овқат егани учун келишувчан бўлади, ақл-идрок ўрганади. Бундан ташқари менинг опам ўзига етгулик ақлли қиз. Нима иш қиладиган бўлсам, менга опам ўргатиб туради.

— Мени алдамаяпсанми? Тўғрисини гапир.

— Бобом Омонлиқ номи афсона Маман бийга, отам Дўспан Ойдўс бобога отқўшчи бўлишган. Ўшаларнинг арвоҳи ҳурмати, ёлғон гапиришга ҳаққим йўқ. Опам бўлса мени сизга худди жигардай дўст қилиб тарбиялади. Дўст киши бир алдасаҳ, бир умрга алдагандай бўлади, деб ўргатган менга, ога.

Эрназар кенг кўкрагини тўлдириб нафас олиб, хўрсиниб қўйди.

— Гапларингга ишондим.

Тенгелнинг руҳи енгил тортиб, қоратўри олиб, хўрсиниб қўйди.

— Мен ўзимни Хоразмнинг энг бахтли етими деб ҳисоблайман.

— Нима учун?

— Унча-мунча банди хон билан гаплашиб, улуғ хоннинг ўз оғзидан чиққан буйруққа асосан зиндонга ташланавермайди. Мен бўлсам сиз билан бирга хонни кўришга муяссар бўлдим.

— Қачон?

—Хивага кираверишда шикорга чиқиб кетаётган хонга дуч келиб қолдик.

— Эсимда йўқ. Ҳеч нарса гаплашмадикми?

— Гаплашдиларинг, Эрназар ога, — деб Тенгел болаларга хос ғурур билан икки кўлига тираниб, Эрназарнинг юмуқ кўзлари тепасига энгашди — Хон шикорга кетаётган экан. Бизни ҳайдаб келаётган пашшоп сизга: «Хон келяпти, кўлингни қовуштириб ўт», деди-да, ўзи отдан тушиб, икки қўлини кўксига қовуштириб хонга йўл берди. Сиз эгилмадингиз, қўлингизни ҳам қовуштирмадингиз. Шунда хон сизни қамчиси билан туртиб: «Ҳа, Олакўз, хондан кўрқмайсанми?» деб сўради. Сиз «Бизнинг овулимизда хондан, Сержонбойнинг итидан кўрқмайдиган одам йўқ», деб жавоб қилдингиз.

Эрназар боғланган бошини ушлаб, кулиб юборди.

— Жуда ҳаёлпараст бола экансан-ку, а?

— Йўқ, ога, ҳудди шундай дединг.

— Унда жуда яхши бўлипти, — Эрназар бир оз жонланиб, қадини кўтарди. — Шу гапинг рост-а?

— Ёлғон бўлса, бобомнинг арвоҳи урсин. Кейин, Эрназар ога, мен отлиқнинг пиёда ҳайдалганидан, кўлида яроғи борнинг кўли кишанлидан кўркқанини биринчи бўлиб кўрганимдан ҳам бахтлиман.

— Бу нима деганинг?

— Ҳайдаб келганларнинг бизни зиндонга ташлатиб бўлиб, аллақимга: «Росаям ҳолдан тойиб кетдик, йўл бўйи биз буларни эмас, бу-лар бизни ҳайдаб келгандай бўлди», деганини эшитиб қолдим.

Эрназар яна кулиб, Тенгелнинг сочлари ўсиб кетган бошини силаб қўйди.

Иккаласининг ҳам юзлари шишган, тилинган, қамчи йиртган кўйлакларининг жулдури чиқиб ётипти. Бир-бирларини кўриб, аҳволларини тушунибгина қолишган. Ооадан бир кафта ўтгандан кейингина нонушта олдидан берилган музли сувга юз-кўлларини ювиб, берилган битта кулчанинг озлигини билдирмай, сен ейкол, сиз ей қолинг қилишиб, энди фотиҳа ўқиб бўлишган. бир-бирларига суянишиб энди ёнбошлашган ҳам эдики, тепадан яна икки бўлак муз тушди.

— Кўп овқат еди деб беришаётган сувларимикан бу, ога?

—Теолаб ётишибди деб, салкин юборишгани бўлса керак, — деди Эрназар.

Тенгел осмонга қараб кулиб қўйди.

Шу ётишларича улар билан ҳеч ким қизиқмади. Эрназар бир сафар чидолмай қоровулдан, нега бизлан ҳеч ким хабар олмайди, деб сўраган эди:

— Ҳукм чиқарадиган хон шикорда юрипти, — деди қоровул.

— Бир куни тушга яқин Эрназарни ташқарига олиб чиқиш тўғрисида буйруқ бўлди. У Тенгелни ундан ажратмасликни талаб қилиб, бирга олиб чиқди.

Қоровулхонада яна илгаригидек Қоракўм эшон ўтирипти. У Эрназарни кўриши билан қоровулларни жеркиб берди.

— Бадбахтлар, йўқолларинг кўзимдан!

Эшоннинг бу сафар жахли чиқиб турганини кўриб, Эрназар муносарага тайёрланди. Қоровуллар кўздан нари кетиши билан эшон бир оз юмшагандек бўлди.

— Эрназар, ўзингдан ўтар гап йўқ, ақлли одамлар узоқдаги оғайнисининг оти ўзганидан овулдошининг тойи ўзганини эҳсал кўрадилар. Сенинг яна шундай кунга тушганингга юрагим ачиб, туролмадим. Овулдошимиз, тобуткашимиз, биз ўлсак сен, сен ўлсанг биз ерга қўямиз. Гуноҳингни айтишгандир?

— Айтишмади.

— Мен билиб олдим, Гуноҳинг хон хазинасига топширилиши лозим бўлган пулга сотиб олинган ўрисни ва икки қозоқ сарбозини ўлдирганингнинг устига устак, хонни Сержонбойнинг итига тенглаштирибсан.

Эрназар пиқ этиб кулиб юборди.

Эшоннинг жаҳли чиқиб, пешанаси тириша кетди.

— Манови бола ким?

— Бу менинг ҳалқим.

— Ҳе-ҳе-ҳе, Эрназар, гапга устасан-да! Аммо менинг ҳузуримга келганлар халқ и н г тўғрисида менга ҳеч нарса дейишмади. Фақат сенинг калланги ҳимоя қилишни ўтинишди.

— Каллам омон бўлса, халқимга ғамхўрлик кўрсатиш — менинг вазифам.

— Эрназар, мен сенга бир маслаҳат берай. Балки кўпрок ётиб қоларсан, балки, хон шикордан қайтса, сўраб оламан. Ўшангача сенга берилиб турадиган овқатни бош вазир билан гаплашдим. Фақат бир хил овқат беради-ю, аммо хоҳлаган таомингни беради. Сен фақат каллангнинг гўштини сўра, Ҳеч қачон қайт бўлмайсан.

Эшон бошидаги салласини муштига киғиштириб, у ёк-бу ёғини тўғрилай бошлади.

— Эшоним, қорақалпокларда қайланайин саллам сендан, ҳеч ким гумон этмас менданя, деган нақл бор.

— Кизиксан. Эрназар, жуда кизиксан. Ўзинг зиндонда бўлсанг, бундан кейин сени зиндон кутиб турган бўлса... Шунга қарамай шаккоқлик қиласан. Майли майли, толиққан бўлсанг керак. «Халқинг» гапингга тушунмаса ҳам шундай толиқасан.

— Мен тушунаман,— деди Тенгел.

— Яхши, ҳазилни бу ёққа қўйиб тур, ундан кўра тақдир, умр қақида гаплашайлик,— деди эшон салласини қайта киймб.

— Сиз ўзи нима мақсадда келгансиз?

— Ўзинг илгаритдан биласан, бир мусулмон бир мусулмонни азобласа, жоним қалқимига келиб кетади. Хивага бу сафар ёлғиз сени деб келдим. Ёлғон гапиришни билмайман. Аскар бий келиб менга илтимос қилди. Аммо яхши дўст кўнгидан олдин кўринади. Ҳеч ким орага тушмаганида ҳам келар эдим. Менинг маслаҳатим, гуноҳингни бўйнингга олиб, хондан кечирим сўра.

— Мен хонга игнанинг учичалик ҳам гуноҳ иш қилганим йўқ, қайтага ўрис подшолиги олдида унинг бир сўзлилигини, ваъдасига вафодорлигини тасдиқлашни ният қилган эдим.

— Эрназар, сен қишига етказган ёмонлигини бўйнига олиб, қилган яхшилигини тез унутадиган одамлар тоифасидан эдинг. Ўжарлигинг эса сира фойдаси йўқ. Шундай ҳам тор бу дунёда одамзот иложи борича кўпрок яшашга ҳаракат қилиши даркор.

— Дунё тор эмас, бизнинг Хоразмимизнинг иш юритарлари тор. Уни сиз ҳам тор айтяпсиз.

Эшоннинг назарида миясига, бигиз санчилгандай бўлган бўлса ҳам, ўзини босиқ тутишга ҳаракат қилди-ю, шу пайт хотираси заифроқ, енгилтак сўфиларга ўхшашни афзалроқ билди.

— Астағфирулла, астағфирулла!— у ўнг қулоғини ушлаб, кўзларини яширди. — Сира ҳам шундай қиламан, деб ўйламаган эдим. — у яна ўзини босиб, мулойимлик билан гапирди.

— Эрназар, сен ўз халқингни яхши кўрасан, унга холис хизмат қилгинг келади. Оламга машҳур мамлакатлардан дўст топгинг келади. Эшитишимча, боболарингг Маман, Ойдўстлар ҳам шундай қилишган. Айтчи, улардан қайси бири ўрислардан наф кўрди? Менинг эшитишимга қарағанда, ҳозир барча мусулмонлар инглизлар билан дўст тутиниш ниятида. Улар билан бутун Эрон, Жазойир, араб мамлакатлари тил топишиб кетди. Ўрисларнинг ўзи инглизлар билан тил топишайлик деб яниниб юрган халқ. Илм-ҳикматни ўрислар инглизлардан ўрганишади. Маслаҳатимга қулоқ солганг, мен қоракалпоқ элининг бир оксоқоли сифатида сенга омонатгина илашиққа суянгунча ўтовга кир дер эдим. Катта ва мустаҳкам ўтов инглизларнинг қўлида.

— Бу маслаҳатингиз менга таниш.

— Агар тушунсанг, инглизлар дунёдаги энг катта ва энг улкан тоғ.

— Тоғ фақат сичқон туғади, дейди халқ.

Эшоннинг жони халқумига келиб кетган бўлса ҳам, огирликни қўлдан бой бермади.

— Ўйлаб кўр, киши дунёда фақат бир нарсага— яшашга интилади.

— Йўқ, инсон дунёда бир нарсага —одамгарчиликка интилади.

Эшон унга гап тополмай, ўрнидан туриб кетди. У Эрназарнинг орасига тушишга ози бўлганида, кўнглига аллақандай фикрлар келиб, яна катта бир эшикнинг қулуп-калитига эга бўлиб қолиши га ишониб, ўзига қарашли бир муридига мактаниб қўйган эди.

— Мушукка бир тишлам нон ташлесанг пешанасига бир чертиб қўйиш керак, ўшандай қилмасанг нонни ким берaётганини унутиб қўяди. Шу боришда хонни айтганимга кўндириб. Эрназарни бўшаттиролсам кўркам мушукли эмас, арслонли бўлган бўламан. Кўлаки арслон унча-мунча нарсани сезмайди, ҳар сафар пешанасига чертиш у ёкда турсин, қаттиқ-каттик ураман.

Мана энди ҳаммаси тескарисича бўлиб чикди. «Тезлик билан ўлдириш керак!» деб кўнглидан ўтказди. Тезрок бош вазирга учрашишга ошикди.

Бош вазир ҳовлисидаги супада бир канизакка оёкларини ювдириб, жаноби кизил олманинг бир чеккасидан тишлаб еб ўтирган экан. Эшонга кеп дейиш ўрнига, олмасидан яна бир тишлаб, жилмайди. Жахли чикиб турган эшонга бош вазирнинг киликлари ёкмаган бўлса ҳам ҳеч нарса дея олмай ковогини уйганича, супанинг бир чеккасига бориб ўтирди.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

3 Тошкент бет. оқшоми

29 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



ҲУРМАТЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР! АГАР СИЗ ЯНГИ ПИЛ КИЙИМИНИ ТИКТИРИБ УЛГУРМАГАН БЎЛСАНГИЗ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ТАЙЁР КИЙИМЛАР СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДОДА «КОСМОС», КРЕМПЛИН, ШЕРСТЬ, КРЕПДЕШИН, ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ШОЙИ ГАЗЛАМАДАН ТИКИЛГАН ЧИРОЙЛИ КЎЙЛАКЛАР БОР.

ЭРКАКЛАР УЧУН МАГАЗИНЛАРДА КРЕМПЛИН ВА ЛАВСАНЛИ ШЕРСТДАН ТИКИЛГАН КОСТЮМЛАР МАВЖУД.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА КЕНГ КЎЛАМДА ШОЙИ, ШЕРСТЬ, КРЕПДЕШИН, КРЕПЖОРЖЕТ, ХОН АТЛАС, ЛАВСАНЛИ ШЕРСТЬ ГАЗЛАМАЛАРИ БОР.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1— «КИЙИМЛАР УЙИ» — Ш. Руставели кўчаси, 13-уй.
7— Олмазор кўчаси, 169-уй.
8— «ГАЗЛАМАЛАР ВА КИЙИМЛАР УЙИ» — Муқимий кўчаси, Оқтепа майдони.
9, 10, 49— Олой бозори.
12— М. Горький майдони, 54-уй.
18, 19, 22, 35 — Октябрь бозори.
36 — Новомосковский кўчаси, 17-уй.
47— Новомосковский кўчаси, 18-уй.
38 — Фарҳод бозори.
39 — 4-турар жой шаҳарчаси, XXI Партсъезд кўчаси.
40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.
53— 1/2— Қорақамиш массиви.
74— Госпиталь бозори.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

БОЛАЛАР УЧУН СОВҒАЛАР!

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ

БОЛАЛАР УЧУН
ЯНГИ ПИЛ СОВҒАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИДИ

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР СОВҒАЛАРНИ ОЛДИНДАН ЗАЯВКА БЕРИБ ОЛИШЛАРИ МУМКИН.

Справкалар олиш учун телефонлар: 77-67-04, 77-67-00.

ЯНГИ ПИЛ СОВҒАЛАРИ ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛАДИ:

4— Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси, 3-квартал.
13 — Волгоград кўчаси, 6-квартал, 39/54-дом.
15— Ғ. Ғулом кўчаси, 23-квартал, 41-уй.
18— Ғ. Ғулом кўчаси, 7-квартал, 44-уй.
19—14-квартал.
21—19-квартал, 28-уй.
22— Қатортол, 6-квартал, 21-уй.
27—23-квартал, 40-уй.
29—26-квартал, «Москва» кафеси.
33—21-квартал, умумий савдо маркази.
35—13-квартал, Фарҳод кўчаси, 96 «а»-уй.
37— 20-квартал, 21/24-уй.
39—18-квартал, 3-уй.
44 — Муқимий кўчаси, «И» квартали, 21-уй.
46 — Халқлар дўстлиги проспекти, 16-квартал, 18-уй.

КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚУПИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **Чилонзор массиви, 6-квартал** (собиқ «Россия» шаҳарчаси), **савдо бўлими.**

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ПИЛ СОВҒАЛАРИНИ ОЛДИНДАН СОТИБ ОЛИНГ!

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.



КЕРАКЛИ КАСБ

СОТУВЧИЛИК КАСБИ БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА.

Бу замонавий, қизиқарли касб айни пайтда ёшлардан махсус билимларни, меҳнат маҳоратини ва тажрибани талаб қилмоқда. Энг яхши савдо ходими бўлиб етишиш учун келган харидорни мулойимгина кутиб олиш ва унга у ёки бу молни даррови гина бериб юборишданигина иборат эмас.



Сотувчи ҳозирги кунимизда савдо эстетикаси, этика, экономика, товаршунослик билимларини атрофлича эгаллаган киши бўлмоғи керак.

ҚАДРДОН ҚИЗЛАР!
АГАР СИЗ САВДОДА ИШЛАШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ, ОКТЯБРЬ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ

2-МАКТАБ-МАГАЗИНГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда ҳам одатдаги мактаблардаги сингари қўнғироқ чалинади. Ўқитувчилар лекциялар ўқишади, ўқувчилар имтиҳонлар топширишади. Одатдаги ўрта мактабдан фарқи шундаки, бу савдо корхонаси асосидаги ўзига хос меҳнат мактабидир. Сизларни бу ерда этика ва эстетика, товаршунослик асослари ва харидорларнинг психологияси, экономика, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асослари бўйича лекциялар кутмоқда. Ишлаб чиқариш таълимоти практикасини ўтасиз. Практика келажакдаги ишларингиз учун керакли тажриба ва меҳнат кўникмасини беради.

Ўз-ўзига хизмат савдонинг бугунги кундаги энг илғор усулидир.

Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг 2-мактаб-магазинида харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлган ана шу усулга ўргатилади.

Сиз мактаб-магазинни битирганингиздан кейин озиқ-овқат молларининг сотувчиси ихтисослигини эгаллайсиз ва Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг исталган магазинларидан бирида ишлаш имкониятига эга бўласиз.

Мактаб-магазиннинг маъмурияти битирувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган иштиёқларини қўллаб-қувватлайди. Хоҳлаган кишиларга Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига киришлари учун имтиёзли шароит берилади.

2-мактаб-магазинга 16 дан 25 ёшгача бўлган 8 ёки 10-синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга стипендия тўланади. Дастлабки икки ойда 52 сўм 60 тийиндан, учинчи ва тўртинчи ойда 56 сўмдан кейинги икки ойда 63 сўмдан стипендия оладилар. Мактаб магазинда ўқиладиган 6 ой умумий меҳнат стажига кўшиб ҳисобланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки саккизинчи синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт, ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика (бор бўлса, меҳнат дафтарчаси), турар жойидан справка, 2 та фотосурат (4х6 см.).

Маълумотлар олиш учун Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг кадрлар бўлимига учрашилсин: Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, Махсус тупиги, 4-уй. Телефон 44-28-62.

Мактаб-магазини Беруний кўчасидаги Ц—27 кварталида жойлашган (7, 16, 19-трамвайлар, 9-маршрутли такси, 28, 64-автобусларнинг Дам олиш уйи бекати).

МАШҒУЛОТЛАР— 1979 ПИЛ 10 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/XII да **Спартак**, 30/XII да **Оловуддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Испан миниатюралари** (19.00), 31/XII да **Доктор Айболит** (12.00), **Севги ҳақида қисса** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/XII да **Шошма қуёш**, 30/XII да **Ғарiблар**, (12.00) **Инқилоб тонги** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/XII да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 1/1 да **Гулбаҳор қани?**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ОЛЬГА БОРИСОВА иштирокида «ЎРГАТИЛГАН ШЕРЛАР» аттракционининг гастроллари (10,13, 16, 19.30).

КИНО

29 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги.**
«ОКТЯБРЬ НУРАФШОН ЭТГАН ЙЎЛ» — **Фестиваль.**
«АЛКОГОЛЛИК ВА СПОРТ — ЎТ БИЛАН СУВ» — **Лисунов номли.**
«БИЗ ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИМИЗ» — **Мир.**
«ДАРВОЗАНИНГ УЧИНЧИ ТАВАҚАСИ» — **Дружба.**
«ЎРТОҚ БЕРЛИН» — **Восток.**
«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Янгиобод.**
«АТТРАКЦИОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН УЙ» — **Қозогистон.**
«ОИЛА» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТИШ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Чайка, Нунус, Дружба, Москва.**
«ҚЎҲИТОФ ФОЖИАСИ» — **Лисунов номли, Тинчлик, Янгиобод.**
«РАЧА — МЕНИНГ МУҲАББАТИМ» — **Кўнча, Восток.**
«БИР ҚАРАШДАГИ СЕВГИ» — **Ғ. Ғулом номли.**
«РУСТАМ ҲАҚИДА ДОСТОН» — **Ғунча.**
«ОҚ КЕМА» (эрталаб), «МИМИНО» (кечқурун): — **Пионер.**
«ҒАЛАТИ АЁЛ» — **Искра.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ: — **Навоий номли, Ҳамза номли, С. Раҳимов номли, Ғ. Ғулом номли, Узбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча, Қозогистон, Чайка, Кўнча, Пионер, Нунус, Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Янгиобод, Тинчлик.**

30 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«Л. И. БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**
«ОКТЯБРЬ НУРАФШОН ЭТГАН ЙЎЛ» — **Фестиваль.**
«АЛКОГОЛЛИК ВА СПОРТ — ЎТ БИЛАН СУВ» — **Лисунов номли.**
«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Янгиобод.**
«ОИЛА»— **Узбекистон ССР 25 йиллиги.**
«ЎРТОҚ СИБИРЬ» — **Навоий номли.**
«АТТРАКЦИОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН УЙ» — **Қозогистон.**
«ҚУТБ ҚУШЛАРИ ОРАСИДА»— **Тинчлик.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТИШ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Чайка, Нунус, Дружба, Москва.**
«НАСРИДДИННИНГ ИЛК МУҲАББАТИ» — **Лисунов номли.**
«ҚЎҲИТОФ ФОЖИАСИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги, Тинчлик, Янгиобод.**
«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» — **Дружба (2-зал).**
«РАЧА — МЕНИНГ МУҲАББАТИМ» — **Кўнча.**
«БИР ҚАРАШДАГИ СЕВГИ» — **Ғ. Ғулом номли.**
«ЙЎЛ ЁҚАСИДА» — **Восток.**
«РУСТАМ ҲАҚИДА ДОСТОН» — **Ғунча.**
«ҒАЛАТИ АЁЛ» — **Искра.**
«ОҚ КЕМА» (эрталаб), «МИМИНО» (кечқурун) — **Пионер.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ: **Навоий номли, Ҳамза номли, Ғ. Ғулом номли, Лисунов номли, Узбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Ғунча, Қозогистон, Чайка, Кўнча, Пионер, Нунус, Москва, Дружба, Фестиваль, Мир, Восток, Янгиобод, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги.**

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

8 ва 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун
6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Биринчи поток учун аризалар 31 декабргача қабул қилинади.
МАШҒУЛОТЛАР 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.
Иккинчи потокка 16 январгача ҳужжатлар қабул қилинади.
МАШҒУЛОТЛАР 16 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент — 189, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (14, 48-автобуслар, 10-троллейбуснинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа политехникуми» бекатлари). Телефонлар: 41-43-62, 41-12-48, 41-17-86.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЛИРИК АШУЛА, РАҚС ВА АСКИЯ КЕЧАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
АСКИЯЧИЛАР:
Жамол ЗАИНИДДИНОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ, Бўрибой МИРЮСУПОВ, Маърифжон РАҲИМОВ, Фозилжон СУЛТОНОВ.
ХОНАНДАЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Шариф СУЛТОНОВ ва Ҳолисхон ҚОДИРОВА.
Фахриддин УМАРОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Ҳасан КАРИМОВ.
РАҚҚОСАЛАР:
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА
Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.**
Программани — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.**

1 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз санъат шинавандалари!

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Ҳолисхон ҚОДИРОВА.
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА
Солистлар: **Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Ҳасан КАРИМОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА.**
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ҲОЛДОРОВА олиб борадилар.
Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

29 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Москва ва москваликлар». 18.30 «Қувноқ нотолар». 18.45 «Биз БАМ қураяпмиз». 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси электр музикали асбоблари ансамблининг концерти. 20.00 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Парвоз фалак». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Қувноқ болалар». Телевизион конкурс. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 18.25 «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Тежамкорлик — коммунистик хислат». 18.40 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси ижодкорларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Болажон қиз». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қордан қоргача». Бадиий фильм. 20.30 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 21.00 Тошкент янгиликлари. 21.20 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 21.50 «Молдаван кишлоғининг янгиликлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.05 «Севги ҳақида қўшиқлар». Концерт.

30 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Сирли суҳбат». Болалар учун Янги йил томошалари. 10.35 «Ота-оналар, Сиалар учун». 11.05 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.35 «Оламда нима гап?». 11.50 «Бепоён Ватаним менинг». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.40 «Ватан ҳақида қўшиқлар». 13.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.05 Болалар учун. «Муъжизаларни кутиб». Бадиий фильм. 15.15 «Спортлото» тиражи. 15.30 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 16.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Коппелия». Москва академик хореография билим юртининг спектакли. Л. Делиб музикаси.

18.05 «Ҳайвонот оламида». 19.05 «Мультфильмлар программаси. 19.35 «1978 йилни кузатиб». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб боради. 20.20 «13 стул». Телевизион миниатюралар театри. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Дўстлар учрашуви». Останкино концерт студиясида эстрада артистларининг кечаси.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Самарқанд опера ва балет театри солистларининг концерти.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Иван ва Марья». Бадиий фильм. 12.45 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.). 13.15 Телевизион театр. М. Дрюон. «Олдингдан оқкан сувнинг қадри йўқ». 14.10 «Оналар мактаби». 14.40 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.).

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Ок автомобиль». Болалар учун телефильм. 18.00 «Доре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.40 «Буюк зафарлар йили». 18.55 «Оила гурунги». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шермат Фозиллаев концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Верийск кварталининг оҳанглари». Музикали кинокомедия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Ашхобод — Душанбе Янги йил программаси. 19.10 «Новости» информацион программаси. 19.30 Телевизион почтадан (тожик тилида). 20.00 «Шунақаси ҳам бўлади». Сатирик журнал. 20.30 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 Эстрада куйларидан концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-психиатрик клиник касалхонаси коллективи касалхона врачи И. О. Орифжоновга онаси

Ибодат ОРИФЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

29 ДЕКАБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66, саноат 32-53-83; қурилиш 32-56-65 шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; вақтреет диспетчерь 42-78-94 вақтреет телефон станциясининг завбатчиляри —33-90-50.

Р — 07986 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д — 1503.